# Халқ сўзи

Ўзбекистон – келажаги буюк давлат

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган ● WWW.XS.UZ ● E-mail: Info@xs.uz ● 2016 йил 16 июль, № 138 (6573) Шанба

Сайтимизга ўтиш учун QR-кодини телефонингиз орқали сканер қилинг.


# ОҚСАРОЙДА ҚАБУЛ

**Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов 15 июль куни Оқсаройда Халқаро ҳаваскор боксчилар уюшмаси (AIBA) президенти Чинг-Куо Вуни қабул қилди.**






Чинг-Куо Ву AIBA Ижроия қўмитасининг Тошкентда ўтаётган мажлисида иштирок этиш учун мамлакатимизга ташриф буюрди. Мазкур спорт форуми Халқаро ҳаваскор боксчилар уюшмаси учун Бразилияда бўладиган Олимпия ўйинларига тайёргарликнинг якуний босқичи ҳисобланади.

Давлатимиз раҳбари меҳмонни самимий қутлар экан, AIBA ва унинг раҳбари Чинг-Куо Ву ўзининг муносиб хизмати билан дунёда кенг тарқалган боксни ва умуман, Олимпия ҳаракатини ривожлантиришга катта ҳисса қўшаётганини алоҳида таъкидлади.

Ушбу нуфузли халқаро ташкилот Ижроия қўмитаси мажлисининг Тошкентда ўтказилаётгани муҳим воқеа бўлиб, бу жаҳон спортида Ўзбекистон алоҳида ўрин эгаллашини яна бир бор тасдиқлайди.

Чинг-Куо Ву мамлакатимизнинг жаҳон спорт майдонида обрўси ортиб бораётганини юксак баҳолади. Ўзбекистонда жисмоний тарбияни оммалаштириш ва болалар спортини ривожлантириш масаласи давлат сиёсати даражасига кўтарилганини халқаро жамоатчиликка яхши маълум. Давлатимиз раҳбарининг соғлом турмуш тарзини қарор топтириш ва ҳар томонлама етук ёшларни вояга етказишга доимий ғамхўрлик кўрсатаётгани, бу борада мақсадли ишлар амалга оширилаётгани натижасида айни пайтда 6 ёшдан 15 ёшгача бўлган болалар ва ўсмирларнинг қарийб 60 фоизи спорт секцияларига қатнамоқда.

Ўзбекистонда мустақиллик йилларида профессионал спортчи, мураббий ва ҳакамларни тайёрлаш бўйича самарали тизим яратилди. Бугун барча зарур техник ва услубий воситалар билан таъминланган саксондан зиёд спорт федерациялари фаолият кўрсатмоқда.

Мамлакатимизнинг барча ҳудудларида 51 мингдан ортиқ спорт иншоотлари бунёд этилган. Спорт турлари бўйича кўплаб марказ ва секциялар, энг яхши хорижий спорт ареналаридан қолишмайдиган спорт мажмуалари ва заллари фаолият кўрсатмоқда.

Ўзбекистон спортчиларининг Олимпия ўйинларида эришаётган ютуқлари ушбу йўналишда олиб борилаётган ишлар юксак самаралар бераётганидан далолатдир. Тарихан қисқа фурсатда 6 олтин, 5 кумуш ва 10 бронза медали қўлга киритилди.

Ўзбекистон спортида бокс алоҳида ўрин эгаллайди. 2014-2015 йилларда мамлакатимизнинг барча ёш ва вазн тоифасидаги чарм қўлқоп усталари турли даражадаги 269 медалга сазовор бўлди. Ўзбекистонда халқаро миқёсдаги нуфузли мусобақалар ва бокс турнирлари мунтазам ўтказилмоқда. 2015 йилнинг 7 — 14 июнь кунлари AIBA шафелигида пойтахтимизда ўтказилган бокс бўйича ўсмирлар ўртасида Осиё чемпионатида мамлакатимиз спортчилари 7 олтин ва 6 бронза медални қўлга киритиб, умумжамоа ҳисобида биринчи ўринни эгаллади.

Оқсаройдаги учрашувда Ўзбекистонда ҳаваскорлик боксини ривожлантириш, мамлакатимизнинг AIBA билан самарали ҳамкорлигини янада мустаҳкамлаш ва кенгайтириш истиқболлари ҳақида фикр алмашилди.

Халқаро ҳаваскор боксчилар уюшмаси раҳбари Президент Ислом Каримовга самимий қабул ҳамда Ўзбекистонда спортни, жумладан, боксни ривожлантиришга улкан ҳисса қўшаётгани учун миннатдорлик билдирди.

Учрашувда Ўзбекистон Республикаси Президентига спорт ва олимпия ҳаракатини ривожлантириш ҳамда оммалаштириш йўлидаги улкан хизматлари учун, шунингдек, боксни халқаро ва миллий даражада ривожлантириш борасидаги фидокорона меҳнати эътирофи сифатида AIBAнинг юксак мукофоти — "Хизматлари учун" ордени топширилди.

**ЎзА.**

Сарвар ЎРМОНОВ олган суратлар.

# ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ МАЖЛИСИ ТЎҒРИСИДА

# АХБОРОТ

2016 йил 15 июлда Вазирлар Маҳкамасининг мажлиси бўлиб ўтди. Мажлисда жорий йилнинг биринчи ярим йиллигида республикани ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунлари муҳокама қилинди ва республика Ҳукуматининг жорий йил 15 январдаги мажлисида Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов томонидан белгилаб берилган 2016 йилги иқтисодий дастурнинг энг муҳим устувор вазифалари бажарилишини сўзсиз таъминлаш бўйича қўшимча чора-тадбирлар ишлаб чиқилди.

Мажлисда республика тармоқлари ва ҳудудларини ривожлантириш асосий прогноз кўрсаткичларининг бажарилиши, ишлаб чиқаришни таркибий ўзгартириш, модернизациялаш ва диверсификациялашни таъминлаш, саноат, муҳандислик-коммуникация ва ижтимоий инфратузилманинг ишга тушириладиган энг муҳим объектларини фойдаланишга топшириш, экспортга йўналтирилган маҳсулотлар турлари ва ҳажмларини кенгайтириш, шунингдек, давлатнинг иқтисодиётдаги улушини изчил қисқартириш, хусусий мулкни янада ривожлантириш, хорижий инвесторларни акциядорлик жамиятларининг устав капиталларига жалб этиш, корпоратив бошқарувнинг замонавий методларини, энг аввало, янгидан ташкил этилган тузилмаларда жорий этиш бўйича дастурий чора-тадбирларнинг амалга оширилиши самарадорлиги ҳар томонлама кўриб чиқилди ва танқидий таҳлил қилинди.

Қайд этиб ўтилдики, пухта ўйланган ҳамда жаҳонда ривожланишнинг "ўзбек модели" сифатида эътироф этилган стратегиянинг миллий манфаатларга жавоб берадиган изчил ва аниқ мақсадга йўналтирилган тарзда амалга оширилиши туфайли, жаҳон иқтисодиётидаги чуқур тизимли муаммоларнинг мавжудлигига қарамай, Ўзбекистонда макроиқтисодий барқарорлик, иқтисодиёт ўсишининг юқори суръатлари, аҳолининг турмуш даражаси ва сифатини узлуксиз ошириш барқарор равишда сақланмоқда. Республикада амалга оширилаётган ислоҳотларнинг натижадорлиги ва самарадорлиги, умуман, халқаро молия институтлари ва жаҳон ҳамжамияти томонидан юқори баҳоланмоқда, жумладан, бу жорий йилнинг 23-24 июнида Тошкент шаҳрида ўн бешинчи юбилей саммити муваффақиятли бўлиб ўтган Шанхай ҳамкорлик ташкилотига аъзо давлатлар раҳбарлари томонидан ҳам қайд этиб ўтилди.

Мамлакатимиз Президентининг Ўзбекистон Республикаси давлат мустақиллигининг йигирма беш йиллигини нишонлашга тайёргарлик кўриш ва уни ўтказишга бағишланган қарорида қайд этилганидек, ушбу йилларда миллий иқтисодиёт қарийб 6 бараварга ўсди. Ўзбекистоннинг ғалла, ёқилғи-энергетика ва транспорт-коммуникация мустақиллигига эришилди. Саноатнинг иқтисодиётдаги улуши 34 фоизга, тайёр маҳсулотларнинг экспорт таркибидаги салмоғи 70 фоиздан зиёд ошди. Истеъмол товарлари ҳажми аҳоли жон боши ҳисобига 7 бараварга, реал даромадлар 12 баравардан ортиқ кўпайди. Давлат бюджетининг 60 фоизидан юқориси ижтимоий соҳани ривожлантиришга йўналтирилмоқда.

Иқтисодиётни ислоҳ қилишни, таркибий ўзгартириш ва модернизация қилишни таъминлаш бўйича кўрилаётган чора-тадбирлар жорий йилнинг биринчи ярим йиллиги якунлари бўйича ялпи ички маҳсулотнинг 7,8 фоизга ўсишини таъминлади. Саноат ҳажмлари 6,7 фоизга ўсди. Қурилиш ишлари ҳажми 17,5 фоизга, хизматлар кўрсатиш ҳажми 12,9 фоизга кўпайди. Давлат бюджети ялпи ички маҳсулотга нисбатан 0,1 фоиз миқдоридаги профицит билан ижро этилди. Инфляция даражаси прогноз параметрларидан ошмади.

(Давоми 2-бетда).

Тошкентда Халқаро ҳаваскор боксчилар уюшмаси (AIBA)нинг Ижроия қўмитаси йиғилиши бўлди. Унда уюшма раҳбарлари, қатор давлатларнинг бокс федерациялари вакиллари иштирок этди.

# ХАЛҚАРО ҲАВАСКОР БОКСЧИЛАР УЮШМАСИ ИЖРОИЯ ҚЎМИТАСИ ЙИҒИЛИШИ

Йиғилишда Халқаро ҳаваскор боксчилар уюшмаси президенти Чинг-Куо Ву ва бошқалар Президент Ислом Каримов раҳнамолигида Ўзбекистонда спортни ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратилаётгани ва бунинг самарасида Ўзбекистоннинг спорт салоҳияти ҳамда нуфузи юксалиб бораётганини таъкидлади.

Мамлакатимизда Олимпия ўйинлари дастурига киритилган букснинг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш, маҳоратли боксчиларни тайёрлаш ҳамда уларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш борасида амалга оширилаётган ишлар ўз самарасини бераётир. Юртимизда бокс бўйича нуфузли спорт мусобақаларининг ташкил этилаётгани, ўзбек бокс мактаби тарбияланувчиларининг жаҳон ва қитъа чемпионатлари, Осиё ҳамда Олимпия ўйинларида муносиб иштирок этиб, юксак ғалабаларни қўлга киритаётгани бунинг далилидир.

Давлатимиз раҳбарининг 2013 йил 25 февралдаги "Ўзбекистон спортчиларини 2016 йилда Рио-де-Жанейро шаҳрида (Бразилия) бўлиб ўтадиган XXXI ёзги Олимпия ва XV Паралимпия ўйинларига тайёрлаш тўғрисида"ги қарорига мувофиқ, Ўзбекистон бокс федерацияси томонидан спортчиларимизнинг замонавий меъёрлар асосида ўқув-машғулот йиғинларини ўтказиши, халқаро мусобақаларга пухта тайёргарлик кўриши ва уларда муносиб иштирок этиши учун қулай шарт-шароит янада такомиллаштирилмоқда.

Бунинг натижасида спортчиларимизнинг қўлга киритаётган ютуқлари салмоғи йилдан-йилга ортиб бормоқда. 2014 йили боксчиларимиз халқаро майдондаги мусобақаларда 35 олтин, 33 кумуш ҳамда 19 бронза, жами 87 медаль билан тақдирланган бўлса, 2015 йилги спорт мавсумида бу кўрсаткич 182 медални (61 олтин, 67 кумуш ва 54 бронза) ташкил этди.

Ўтган йили бокс бўйича Ўзбекистон ўсмирлар ҳамда катталар терма жамоалари аъзолари Тошкент ва Таиландда ташкил этилган Осиё чемпионатларида, Россия ҳамда Қатарда ўтган жаҳон чемпионатларида улкан ғалабаларга эришиб, ўзбек бокс тарихида янги саҳифа очди.

(Давоми 2-бетда).

# ТАШҚИ ИҚТИСОДИЙ ҲАМКОРЛИК ВА ИСТИҚБОЛ




*Маълумки, бундан 25 — 30 йил олдин мамлакатимизда ташқи иқтисодий алоқалар тугул, ташқи алоқаларнинг ўзи йўқ эди. Умуман, собиқ мустабид тузум даврида у ниҳоятда оғир аҳволга тушиб қолган, бирёқлама ривожланган, пахта монополияси авж олган, асосан, хом ашё етказиб беришга мослашган заиф ва ночор иқтисодиётга эга яриммустамлака даражасидаги республика бўлган.*

Пахтани ўзи етиштириб, унинг нархи амалда қанча эканини билмайдиган, юртимиз заминидан катта ҳажмда қазиб олинган турли нодир металлар, уран ҳамда бошқа стратегик товарлар ҳақида ҳеч қандай маълумотга эга бўлмаган, жаҳон цивилизациясидан узилиб қолган халқ эдик.

Ўша пайтлари "Ўзи киммиз?" деган саволни беришга ҳам уялардик.

Зеро, давлатимиз раҳбари айтиб ўтганидек, "Мустақиллик арафасида 20 миллиондан ортиқ аҳолимизни боқиш учун юртимизда, бор-йўғи, 15 кунга етадиган ун ва буғдой захираси қолган эди, холос. Буларнинг барчаси Ўзбекистон қандай оғир аҳволда, деярли жар ёқасига келиб қолганини кўрсатади".

Мана шундай мураккаб шароитда узоқни ўйлаб ҳаётга татбиқ этилган машҳур беш тамойилга асосланган, мамлакатимизни модернизация қилишга қаратилган ислоҳотлар стратегиясини ўзида уйғунлаштирган тараққиётнинг "ўзбек модели" қўл келди.

(Давоми 4-бетда).

# Ўзаро манфаатли алоқаларга мустаҳкам пойдевор




Президентимизнинг 2016 йил 1 июндаги "Халқаро мева-сабзавот ярмаркасини ташкил этиш ва уни ҳар йили ўтказиб туриш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарорига асосан, юқори савияда ўтказилаётган I Халқаро мева-сабзавот ярмаркаси қизғин паллага кирди.

Чунки жаҳоннинг 40 дан зиёд мамлакатларидан ташриф буюрган халқаро савдо ташкилотлари, нуфузли компания ҳамда фирмалар раҳбарлари мазкур йирик форум доирасида уюштирилаётган конференция ва тақдимотлар, қолаверса, фермер хўжаликлари боғлари, озиқ-овқат саноати корхоналари фаолияти билан яқиндан танишиш асносида Ўзбекистоннинг мева-сабзавотчилик соҳасида юксак салоҳиятга эга эканлигига комил ишонч ҳосил қилишмоқда.

Пировардида уларнинг деярли барчаси сархил мева-сабзавотлар, экологик тоза озиқ-овқат маҳсулотлари хариди бўйича катта ҳажмли шартномалар имзолашаётир. Бу юртимиз деҳқону фермерлари томонидан тақдим этилган ноз-неъматлар ташқи бозорда рақобатдош эканлигидан яққол далолатдир.

Дарҳақиқат, заминимизда етиштирилган мева-сабзавотлар азал-азалдан юксак сифат кўрсаткичлари билан маълуму машҳурдир.

Сабаби, мамлакатимизда шаклланган кўп асрлик анъанавий сабзавотчилик ва боғдорчилик маданияти биологик деҳқончилик тамойилларига асосланган.

(Давоми 2-бетда).

**ИФТИХОР**

Ободликка интилиш, бунёдкорлик — халқимизга хос фазилатлардан. Бугун юртимизнинг қай бир гўшасига борманг, ўзгача файзу тароватдан дилингиз яйрайди. Шаҳар ва қишлоқларимиздаги бири-биридан кўркам, айни дамда замонавий архитектура меъёрлари асосида қурилган ижтимоий-иқтисодий объектлар, маданий-маърифий масканларнинг ажиб қиёфаси, аҳоли уй-жойларининг орасталиги, шинамлиги ҳамда ҳар оиланинг муносиб шароитда яшаши учун барча қулайликка эгалиги ўтган қисқа даврда халқимиз бунёдкорлик салоҳияти нақадар юксалганлигидан далолат беради.

# Халқимиз бунёдкорлик салоҳияти юксалмоқда

Ҳолбуки, атиги чорак аср олдин иқтисодий ночорлик муаммолари қуршовида қолган республикамиз аҳолиси, айниқса, қишлоқ жойларда яшовчиларнинг нураб бораётган пахса девор уйларини янгидан қуриш у ёқда турсин, оддий кундалик эҳтиёжлари учун зарур товарларни ҳам сотиб олишга қурби етмасди. Пештахтасида шамол ўйнайдиган озиқ-овқат дўконларида гугуртдан тортиб тузгача тақчил бўлган ўша даврда хўжалик моллари, қурилиш ашёлари таъминоти ғоятда оғир аҳволда эди.

Бугун эса иқтисодиётимизнинг барча тармоғи равнақ топиб бораётгани истеъмол бозорини юқори сифатли, арзон ва энг асосийси, импорт ўрнини босувчи маҳсулотлар билан тўлдириш имконини бермоқда. Хусусан, энг замонавий технология асосида, ўзимизда мавжуд хом ашё ресурсларидан тайёрланаётган қурилиш материаллари нафақат юртимиз, балки ташқи бозорда ҳам тобора харидоргир бўлаётир.

(Давоми 3-бетда).

# ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ МАЖЛИСИ ТЎҒРИСИДА АХБОРОТ

(Давоми. Бошланиши 1-бетда).

Молия-банк тизими барқарорлигини янада ошириш бўйича кўрилаётган чора-тадбирлар банклар жами капиталининг 23,3 фоизга ва депозитларнинг 27,7 фоизга ўсишини таъминлади, бу иқтисодиётни кредитлаш ҳажмларининг 26,2 фоизга кўпайишига кўмаклашди. Барча банк кредитларининг қарийб 80 фоизи инвестиция мақсадларига берилган узоқ муддатли кредитлардир.

Қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришини модернизациялаш, диверсификациялаш ва оптималлаштириш дастурий чора-тадбирларини фаол амалга ошириш давом эттирилди. Мева-сабзавот маҳсулотлари етиштиришга давлат буюртмаси жорий этилди. Ғўза майдонлари қисқартирилди, бўшаган майдонларга мева-сабзавот экинлари экилди. Қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳажми 6,8 фоизга кўпайди.

Кўрилаётган тизимли чора-тадбирлар туфайли йил бошидан буён 462,5 мингта янги иш ўринлари ташкил этилди. Уларнинг 276,7 мингтаси ёки 59,8 фоизи қишлоқ жойлардадир.

“Соғлом она ва бола йили” Давлат дастури доирасида оналик ва болаликни муҳофаза қилиш, соғлом ва ҳар томонлама камол топган авлодни тарбиялаш тизимини янада мустаҳкамлаш бўйича кенг кўламли чора-тадбирлар амалга оширилмоқда. Уларни молиялаштиришга барча манбалар ҳисобига 4,4 триллион сўмдан кўп ва 111 миллион доллар миқдорида маблағлар йўналтирилди.

Муҳокамалар давомида вазирликлар, идоралар, хўжалик бирлашмалари, йирик корхоналар ва ҳокимликлар раҳбарлари олдига 2016 йил учун белгиланган барча мақсадли параметрларга ва прогнозларга эришишни таъминлайдиган қўшимча чора-тадбирлар комплексини ишлаб чиқиш ва амалга ошириш, шунингдек, энг аввало, иқтисодиёт тармоқларини таркибий ўзгартириш, модернизациялаш ва диверсификациялашни чуқурлаштириш, ҳудудларни комплекс ривожлантиришнинг қабул қилинган ўртача муддатли дастурларини ўз вақтида ва сифатли амалга ошириш ҳисобига келгуси йилда иқтисодиётнинг барқарор ишлаши учун тайёргарлик ишларини ташкил этиш юзасидан аниқ вазифалар қўйилди.

“Ўзпахтасаноатэкспорт” холдинг компанияси ва “Ўзбекенгилсаноат” акциядорлик жамияти раҳбарларининг эътибори, шу жумладан, ҳар йили ўтказилаётган Халқаро Ўзбекистон пахта ва тўқимачилик ярмаркаси доирасида хорижий компанияларни — жаҳондаги етакчи тайёр маҳсулот ишлаб чиқарувчиларни биргаликда фаолиятга жалб этишни таъминлаган ҳолда, пахта толасини қайта ишлаш ҳамда тайёр тўқимачилик ва тикувчилик-трикотаж маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳажмларини янада кўпайтириш бўйича таъсирчан чора-тадбирлар кўришнинг зарурлигига қаратилди.

Стратегик инвестиция лойиҳаларини жадал амалга ошириш ва жорий йилда ишга тушириладиган муҳим объектларни ҳамда саноат қувватларини, муҳандислик-коммуникация, йўл-транспорт ва ижтимоий инфратузилма объектларини ўз вақтида фойдаланишга топширишни сўзсиз таъминлаш масалалари мажлис қатнашчиларининг диққат-эътибори марказида бўлди. Қайд этиб ўтилдики, кўрилган чора-тадбирлар натижасида ўзлаштирилган инвестициялар ҳажмларини 11,8 фоизга, шу жумладан, хорижий инвестициялар ва кредитларни 17,2 фоизга кўпайтириш таъминланди. Жами қиймати 1,9 миллиард АҚШ доллари бўлган 43 та ишлаб чиқариш объекти фойдаланишга топширилди. Умумий қиймати 3,4 миллиард АҚШ долларидан ортиқ бўлган 72 та янги инвестиция лойиҳасини амалга ошириш бошланди. Маҳаллийлаштирилган маҳсулотлар ишлаб чиқариш ҳажмлари 1,5 бараварга ошиши таъминланди.

Фарғона водийси вилоятларини республиканинг бошқа ҳудудлари билан тўғридан-тўғри темир йўл орқали боғлайдиган, 19,2 километр узунликдаги ноёб туннелга эга бўлган 123,1 километр узунликдаги электрлаштирилган Ангрен — Поп темир йўл линияси ишга туширилди. Самарқанд — Бухоро темир йўл линиясини электрлаштириш лойиҳаси ниҳоясига етказилмоқда. Узунлиги 1250 километрдан ортиқ бўлган кенг полосали оптик толали алоқа линиялари барпо этилди. Аҳолини рақамли телевидение билан қамраб олиш даражаси 68 фоизга етказилди. Қишлоқ жойларда намунавий лойиҳалар бўйича 13 мингта якка тартибдаги уй-жойни қуриш ва фойдаланишга топширишни жадаллаштириш чора-тадбирлари кўрилмоқда.

Вазирликлар, идоралар, хўжалик бирлашмалари, йирик корхоналар, маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органлари раҳбарларининг эътибори, энг аввало, маҳаллий, қишлоқ хўжалиги ва бошқа хом ашё ресурсларини чуқур қайта ишлаш асосида юқори қўшилган қийматли, рақобатдош ҳамда ички ва ташқи бозорларда талаб катта бўлган тайёр маҳсулотларнинг янги замонавий турларини ишлаб чиқарувчи юқори технологияли ишлаб чиқариш объектларини ўз вақтида ишга туширишни таъминлаш юзасидан уларнинг шахсан жавобгар эканликларига қаратилди.

Бир қатор вазирликлар, идоралар, хўжалик бирлашмалари, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши раҳбарларига, вилоятлар, туманлар ва шаҳарлар ҳокимларига инфратузилмаларни, транспорт ва муҳандислик-коммуникация қурилишини ривожлантириш, ҳудудларни ободонлаштириш дастурларида назарда тутилган лойиҳаларни амалга оширишни, шунингдек, шу йил 30 июнь ва 1 июлда Сурхондарё ва Қашқадарё вилоятларига ташрифи давомида Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов томонидан қўйилган вазифаларни ҳал этишни ўз вақтида таъминлаш бўйича аниқ топшириқлар берилди.

Мажлисда экспорт қилинадиган маҳсулотларнинг турлари ва ҳажмларини кенгайтириш, маҳаллий товарларни сотишнинг янги хорижий бозорларини ўзлаштириш, шу асосда 2016 йилда, айниқса, мева-сабзавот маҳсулотларини экспорт қилиш прогноз параметрларига сўзсиз эришишни таъминлаш бўйича кўрилаётган чора-тадбирларнинг натижадорлиги пухта таҳлил қилинди.

Қайд этилдики, жаҳон бозорларида конъюнктуранинг нобарқарорлигига ва ноқулайлигига қарамай, экспортни кўпайтириш резервларини максимал жалб этиш, экспорт қилувчи корхоналарни фаол рағбатлантириш бўйича кўрилаётган чора-тадбирлар экспорт ҳажмларининг жадал суръатлар билан ўсишини ва ташқи савдо айланмасининг ижобий сальдосини таъминлади. Йил бошидан буён илгари ўз маҳсулотларини экспорт қилмаган қарийб 600 та корхона экспорт фаолиятига жалб этилди, маҳсулотларнинг 208 та янги турини экспорт қилиш ўзлаштирилди. Мева-сабзавот маҳсулотларини экспорт қилишни кўпайтириш таъминланмоқда.

Ушбу масалани муҳокама қилиш давомида хўжалик бирлашмалари ва вилоятлар ҳокимликлари раҳбарлари олдига экспортни кўпайтиришнинг мавжуд резервларини сафарбар этиш бўйича аниқ вазифалар қўйилди. Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари экспортини қўллаб-қувватлаш жамғармасининг ҳамда “Ўзтадбиркорэкспорт” компанияси раҳбарларининг кичик бизнес субъектларини ва фермер хўжаликларини экспорт фаолиятига фаол жалб этишни таъминлаш, шунингдек, “Ўзбекозиқовқатхолдинг” компанияси ва “Ўзагроэкспорт” акциядорлик жамияти раҳбарларининг, энг аввало, якунига етаётган Халқаро мева-сабзавот ярмаркасида тузилган шартномалар асосида янги ва қайта ишланган мева-сабзавот маҳсулотларини экспортга етказиб беришни кенгайтиришни таъминлаш юзасидан шахсий масъулияти алоҳида таъкидлаб ўтилди.

Мажлисда давлатнинг иқтисодиётдаги иштирокини тубдан қисқартириш, давлат активлари ва улушларини хорижий инвесторларга сотиш ҳисобига хусусий мулкни жадал ривожлантириш ҳамда акциядорлик жамиятларида корпоратив бошқарувнинг замонавий методларини жорий этиш бўйича кўрилаётган чора-тадбирларнинг ҳолати ва натижадорлигига алоҳида эътибор берилди. Қайд этиб ўтилдики, жорий йилнинг биринчи ярим йиллиги мобайнида хусусий мулкка қарийб 267,5 миллиард сўм миқдорида инвестиция мажбуриятлари қабул қилган ҳолда 305 та давлат активи сотилди. Ўтган даврда хорижий инвесторларга 30 та акциядорлик жамиятидаги улушлар сотилди. Устав фондларида давлат улушига эга бўлган акциядорлик жамиятлари сони 2015 йилнинг шу давридаги 374 та ўрнига 202 тагача қисқарди.

Вазирликлар, идоралар, хўжалик бирлашмалари раҳбарларига акциядорлик жамиятларининг устав капиталларига камида 15 фоиз миқдорида салоҳиятли хорижий инвесторларни жалб этиш ва 2015 йил ноябрь ойидаги Халқаро инвестиция форумида тузилган меморандумлар доирасида инвестиция лойиҳаларини амалга оширишни жадаллаштириш ишларини фаоллаштириш топшириғи берилди.

Давлат рақобат қўмитасига манфаатдор вазирликлар, идоралар ва ҳокимликлар билан биргаликда акциядорлик жамиятларида корпоратив бошқарувнинг замонавий методларини ҳамда ижро этувчи органлар фаолияти самарадорлигининг асосий кўрсаткичларини жорий қилиш ва қўллашнинг, шунингдек, “ноль” қиймат бўйича сотилган давлат мулки объектларидан самарали фойдаланишнинг ҳамда инвесторлар томонидан олинган инвестиция мажбуриятлари тўлиқ бажарилишининг ҳолати юзасидан тизимли мониторинг олиб борилишини таъминлаш юкланди.

Мажлисда ғалла ўрим-йиғими якунлари танқидий таҳлил қилинди. Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши ва вилоятлар ҳокимликлари, шунингдек, қишлоқ хўжалигига хизмат кўрсатувчи иқтисодиёт тармоқлари раҳбарларининг эътибори куч ва воситаларни ғўзани интенсив парваришлашга ва ҳосил йиғим-теримига тайёргарлик кўриш бўйича чора-тадбирлар комплексини таъминлашга йўналтирилиши зарурлигига қаратилди.

Мажлисда, шунингдек, давлатимиз раҳбари қарори асосида янгидан ташкил этилган Алишер Навоий номидаги Тошкент давлат ўзбек тили ва адабиёти университети фаолиятини ташкил этиш, шунингдек, Ўзбекистон Миллий университетида, Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика университетида ҳамда Тошкент давлат техника университетида таълим жараёнини янада такомиллаштириш борасида белгилаб берилган устувор вазифаларни амалга ошириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар муҳокама қилинди. Бунда олий таълим муассасасидаги таълимнинг илм-фан билан ўзаро мустаҳкам алоқасини илғор жаҳон тажрибаси асосида таъминлашга, шунингдек, иқтисодиёт тармоқларининг эҳтиёжларига мувофиқ ҳолда юқори малакали кадрлар тайёрлаш сифати ва даражасини тубдан оширишга ҳам алоҳида эътибор қаратилди.

Мажлисда Ўзбекистон Республикаси давлат мустақиллигининг йигирма беш йиллигига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш бўйича белгиланган тадбирларнинг бажарилиши ҳолати ҳам кўриб чиқилди. Ушбу масалани муҳокама қилиш давомида вазирликлар, идоралар ва маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органлари олдига Ўзбекистон Республикаси давлат мустақиллигининг йигирма беш йиллигини муносиб кутиб олиш ва тантанали нишонлаш бўйича ташкилий-амалий, маданий-маърифий ва ахборот-тушунтириш тадбирларини сифатли амалга ошириш бўйича аниқ вазифалар қўйилди.

Кун тартибидаги масалалар бўйича Вазирлар Маҳкамаси комплекслари, вазирликлар, идоралар, хўжалик бирлашмалари, йирик корхоналар ва республика вилоятлари ҳокимликлари раҳбарларининг ҳисоботлари эшитилди. Республика Ҳукуматининг мажлисига киритилган масалаларни муҳокама қилиш якунлари бўйича тегишли қарорлар қабул қилинди, уларда 2016 йилда мамлакатимизни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш дастурининг энг муҳим йўналишлари ва устувор вазифалари амалга оширилишини сўзсиз таъминлаш юзасидан аниқ чора-тадбирлар белгиланди.

**ЎзА.**

# Ўзаро манфаатли алоқаларга мустаҳкам пойдевор

(Давоми. Бошланиши 1-бетда).

Яъни кимёвий воситаларни қўлламасдан, асосан, маҳаллий ўғитлардан фойдаланилиши эвазига мазали таъм ва юқори истеъмол хусусиятига эга бўлган экологик тоза мева-сабзавотлар етиштирилади.

Шу билан бирга, ҳозирги пайтда юртимиз селекционер олимлари томонидан яратилган сабзавот, полиз экинлари ҳамда картошканинг 170 дан ортиқ нави, мева ва резавор экинлар ҳамда узумнинг 175 нави парваришланаётган бўлиб, улар генларни модификация қилиш технологияларидан бутунлай холи эканлиги, иқлим шароитимизга мослиги, қурғоқчилик, касаллик ва зараркунандаларга чидамлилиги, энг асосийси, ҳосилдорлиги билан ажралиб туради. Натижада йилига 17 миллион тоннадан зиёд мева-сабзавот маҳсулотлари етиштирилиб, шундан 4 миллион тоннадан ортиғи экспорт қилинаяпти.

Халқаро мева-сабзавот ярмаркаси соҳага хориж инвестициясини кўпроқ жалб қилиш, чет эллик ҳамкорлар иштирокида замонавий қайта ишлаш корхоналарини барпо этиш, шунингдек, экспорт ҳажмини оширишга қаратилгани билан аҳамиятлидир.

Форум иштирокчилари гуруҳларга бўлинган ҳолда, Андижон, Бухоро, Самарқанд, Сирдарё, Жиззах ва бошқа вилоятларда бўлиб, соҳада эришилаётган ютуқлар, ҳудудларнинг экспорт салоҳияти билан яқиндан танишдилар.

Пировардида тадбирнинг тўртинчи иш куни ҳам томонлар ўртасида ўзаро келишув ҳамда битимларга бой бўлди. Хусусан, Жиззах вилоятидаги 200 дан зиёд экспортчи ташкилот ва фермер хўжаликлари раҳбарлари кўплаб янги ҳамкорлар топишга эришдилар. Айтайлик, “Қуёшли юрт шарбати” масъулияти чекланган жамияти 30 миллион АҚШ долларилик, “Женисбек глобалист” масъулияти чекланган жамияти 40 миллион долларлик экспорт шартномалари тузди.

— Бизга “Бахмал экспорт” корхонаси томонидан таклиф этилаётган маҳсулотлар ҳар томонлама маъқул келди, — дейди Бирлашган Араб Амирликларининг “Dubai Chamber” компанияси вакили Ҳусайн Ал Ансори. — Шу боис ушбу корхонадан сархил мева-сабзавотдан ташқари, дуккакли ҳамда қайта ишланган маҳсулотларни сотиб олиш бўйича ҳам шартномалар туздик. Келгусида ҳамкорликни янада мустаҳкамлаш бўйича музокаралар олиб бораяпмиз.

“Бахмал экспорт” масъулияти чекланган жамияти раҳбари Анвар Сафаровнинг айтишича, корхона Германиянинг энг замонавий технологик линиялари билан жиҳозланган. Улар ёрдамида кунига 300 тонна ўрик, олхўри, шафтоли, узум ва сабзавот маҳсулотлари қайта ишланади. Тадбиркор хом ашёни ўзи етиштиришни йўлга қўйиш мақсадида жорий йилда 35 гектар майдонда токзор барпо этди.

— Ярмарка доирасида юртингизда мева-сабзавот етиштириш ҳамда уни қайта ишлаш жараёни билан бевосита танишиш имкониятига эга бўлдик, — дейди Озарбайжоннинг “Агро — Юг” масъулияти чекланган жамияти раҳбари Умед Бебитов. — Жумладан, Сирдарё вилоятидаги корхоналар томонидан юқори технологиялар асосида қайта ишланиб, қадоқланаётган дуккакли маҳсулотлар ва қуруқ мевалар бизда катта қизиқиш уйғотди. Натижада “Сирдарьинский берег” масъулияти чекланган жамияти билан 15 миллион АҚШ долларилик шартнома туздик. Шунингдек, “Сирдарёсавдоимпекс” компанияси билан ҳам яна шунча қийматдаги келишувга эришдик.

Таъкидлаш керакки, мамлакатимиз қишлоқ хўжалиги мавсумининг узоқ вақт давом этиши хорижий савдо тузилмалари эътиборини оҳанрабодек тортмоқда. Гап шундаки, ўлкамизда пишиқчилик даври кўкатлар табиий шароитда етиладиган март ойининг дастлабки кунларидан бошлаб, то бозорларга узум, қовун, хурмо ва беҳининг кечки навлари етказиб бериладиган декабрь ойининг бошига қадар чўзилади. Бу эса Ўзбекистонни мева-сабзавот ҳамда полиз маҳсулотлари билан деярли йил давомида барқарор таъминлайдиган ишончли базага эга давлат сифатида намоён этаётир.

Самарқанд вилоятига ташриф буюрган чет эллик мутахассисларда “Дилмурод Раҳматзода боғлари” фермер хўжалиги катта қизиқиш уйғотди. Ушбу хўжалик мева-сабзавотчиликка ихтисослаштирилган бўлиб, ўтган мавсумда 700 тонна узум, 300 тонна олма етиштирилди. Ҳосилнинг 80 фоизи экспорт қилингани қувонарлидир. Фермер хўжалиги раҳбари Дилмурод Шараповнинг айтишича, жорий йилда бу борадаги кўрсаткич янада ошади. Негаки, Самарқандда бўлган меҳмонларнинг барчаси ҳамкорлик қилиш истагини билдиришган.

— Минг бор эшитгандан кўра, бир марта кўрган афзал, дейишганидек, юртингизда ширин-шакар мевалар, қовун-тарвузлар етиштирилаётганига гувоҳ бўлиб, очиғи, жуда ҳайратландим, — дейди Россиянинг “Союзпромконтракт” компанияси импорт бўлими бошлиғи ўринбосари Татьяна Пономарёва. — Тадбир доирасида Бухоро вилоятига бориб, қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштириш ва уни қайта ишлаш борасида амалга оширилаётган ишлар билан яқиндан танишдим. Хусусан, Бухоро ҳамда Коғон туманларида фаолият кўрсатаётган фермер ва иссиқхона хўжаликлари, узумни қайта ишлашга ихтисослаштирилган “Галаривер” корхонаси вакиллари билан учрашиб, ўзаро ҳамкорликни йўлга қўйиш юзасидан фикрлашиб олдим.

I Халқаро мева-сабзавот ярмаркаси давом этмоқда.

**Саид РАҲМОНОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

**ЭЪТИРОФ**

Тошкентдаги “Ўзэкспомарказ” миллий кўргазмалар мажмуида I Халқаро мева-сабзавот ярмаркаси ўз ишини давом эттирмоқда. Ушбу тадбир нафақат нуфузли хорижий компания ҳамда ташкилотлар, балки республикамизда аккредитациядан ўтган дипломатик корпус вакилларининг ҳам диққат-эътиборини жалб қилаётир. Уларнинг айримлари халқаро форум юзасидан ўз фикр-мулоҳазалари билан ўртоқлашди.

# «Ўзбекистоннинг мева-сабзавот ҳамда полиз маҳсулотлари ажойиб ва тенгсиздир»

**Фумихико Като,**
**Япониянинг Ўзбекистон Республикасидаги Фавқулодда ва мухтор элчиси:**

— Мазкур ярмарка Ўзбекистонда биринчи маротаба ўтказилаяпти. У муваффақиятли бошлангани ва юксак савияда ташкил этилганини таъкидлашни истардим. Қишлоқ хўжалиги — юртингиздаги муҳим тармоқлардан бири. Юқори қўшимча қийматли маҳсулотлар ишлаб чиқариш ҳам йўлга қўйилган. Уларни бутун дунёга, жумладан, Осиё давлатларига экспорт қилиш борасида катта салоҳият мавжуд.



Мамлакатимиз, ўз навбатида, Ўзбекистондаги ирригация тизимлари ривожини қўллаб-қувватламоқда. Ўтган йили Япония халқаро ҳамкорлик агентлиги (JICA) ваколатхонаси кўмагида ҳаётга татбиқ этилган умумий қиймати 120 миллион АҚШ долларига тенг қўшма лойиҳа сўзимизни тасдиқлайди.

Давлатимизнинг чет элга маҳсулот сотиш борасидаги катта тажрибасидан келиб чиққан ҳолда, биз республика миллий брендини яратиш ва мева-сабзавотлар савдосига ёрдамимизни кенгайтиришни хоҳлаймиз. Шунингдек, юртингиз аграр секторининг янада модернизациялашуви учун сармоялар йўналтириш ниятидамиз.

Ўзбекистон мева-сабзавотлари ҳамда полиз маҳсулотларининг таъми, сифати ҳақида тўхталар эканман, олма, узум, қовун-тарвузларни алоҳида эътироф этишни жоиз деб биламан. Улар ажойиб ва тенгсиздир.

**Риккардо Манара,**
**Италиянинг Ўзбекистон Республикасидаги Фавқулодда ва мухтор элчиси:**

— Ярмарка юксак савияда ташкил қилинаётгани билан ажралиб туради. Ўзбекистон мева-сабзавот етиштириш ҳамда уларни экспорт қилиш борасида катта салоҳиятга эга. Ўйлайманки, мамлакатингиз истиқболда жаҳон мева-сабзавотлар бозорида ўз мавқеини янада мустаҳкамлайди.

Италия ҳамда Ўзбекистон логистикани ривожлантириш ва мева-сабзавот маҳсулотларини сақлаш мақсадида музлатиш камераларини яратиш лойиҳаси доирасида ўзаро ҳамкорлик қилаяпти. Мазкур ярмаркада ушбу лойиҳадан манфаатдор бўлган Италиянинг икки йирик компанияси иштирок этаётир.

Яна шуни ҳам айтишни истардимки, Ўзбекистонда етиштирилган неъматлар ранг-баранг ҳамда бетакрор таъмга эга.

**Заид Абдулла ал-Амди,**
**Малайзиянинг “AM Avenue SDN BHD” савдо компанияси бош директори:**

— Бундай кенг қамровли тадбир орқали Ўзбекистон мева-сабзавот бозори ва республиканинг бу соҳадаги салоҳияти билан танишиш имконига эга бўлганимиздан жуда мамнунмиз. Бу ерда етиштириладиган барча замин неъматлари табиийлиги, сархиллиги ҳамда ажойиб таъми туфайли алоҳида ажралиб туради. Шу боис уларга хорижда талаб катта.

Қайд этиш зарурки, Ўзбекистоннинг ушбу жабҳадаги имкониятлари ҳамда мамлакатда уларни экспорт қилиш учун яратилган қулай шарт-шароитлар намойиши бу тадбирга нисбатан хорижий компаниялар қизиқишини кучайтириши баробарида, ўзаро манфаатли шартномалар салмоғини ҳам оширади.

**«Жаҳон» АА.**

# ХАЛҚАРО ҲАВАСКОР БОКСЧИЛАР УЮШМАСИ ИЖРОИЯ ҚЎМИТАСИ ЙИҒИЛИШИ

(Давоми. Бошланиши 1-бетда).

Жорий йилнинг апрель ойида бокс бўйича Ўзбекистон терма жамоаси аъзолари Хитойнинг Куинан шаҳрида ўтказилган Осиё-Океания Олимпия саралаш мусобақасида 5 олтин ва 2 кумуш медални қўлга киритиб, умумжамоа ҳисобида биринчи ўринни эгаллади.

Тошкент шаҳрида 2015/2016 йилги спорт мавсумида бокс бўйича WSB — Бутунжаҳон бокс серияси йўналиши ҳамда APB — яримпрофессионал боксчилар йўналишидаги турнирлар юқори савияда ташкил этилди.

Халқаро ҳаваскор боксчилар уюшмаси Ижроия қўмитаси мамлакатимизда боксни ривожлантиришга қаратилаётган доимий эътибор, замонавий спорт инфратузилмаси, ҳар қандай нуфузли анжуманни юқори савияда ташкил этиш бўйича яратилган кенг имкониятлар ва тўпланган бой тажрибани ҳисобга олиб, навбатдаги йиғилишини Тошкент шаҳрида ўтказишга қарор қилди.

Ижроия қўмита йиғилишида 2015 йилда боксни ривожлантириш борасида амалга оширилган ишлар, келгуси режалар, Халқаро ҳаваскор боксчилар уюшмасининг ташкилий ҳамда молиявий, ҳакамлик, спорт тиббиёти ва спортчиларнинг мусобақалардаги иштироки билан боғлиқ масалалар муҳокама этилди.

**Байрам АЙТМУРОДОВ,**
**ЎзА мухбири.**

# Саховатдан кўнгиллар обод

Мамлакатимиз мустақиллигининг 25 йиллиги арафасида жойларда “Гўзал ва бетакроримсан, муқаддас Ватаним, жоним сенга фидо, Ўзбекистоним!” шиори остида эзгуликка йўғрилган тадбирлар ўтказилмоқда.

**ҒАМХЎРЛИК**

Шулардан бири Яккабоғ туманидаги Саховат уйида ташкил этилди. Унда сўзга чиққанлар мамлакатимизда инсон манфаатларини таъминлаш юксак қадрият сифатида эъзозланиши ҳамда кучли ижтимоий сиёсат устуворлиги, нуроний отахону онахонлар, ижтимоий ҳимояга муҳтожларга ҳар томонлама ғамхўрлик кўрсатиб келинаётганини алоҳида таъкидлаб, Саховат уйида истиқомат қилувчи кексалар, уларга хизмат кўрсатаётган тиббиёт ходимлари, ишчи-хизматчиларни яқинлашиб келаётган улуғ айём — Истиқлолнинг 25 йиллиги билан муборакбод этишди.

Тадбир доирасида Саховат уйига “Нуроний” жамғармаси Марказий кенгаши лойиҳаси асосида Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ҳузуридаги Нодавлат нотижорат ташкилотларини ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтларини қўллаб-қувватлаш жамоат фонди гранти маблағлари ҳисобидан 35 миллион сўмлик мебель жиҳозлари топширилди.

Юртнинг улуғ айёми арафасида кўрсатилган меҳр-эътибордан бу ерда истиқомат қилаётган отахону онахонларнинг қалби чексиз ғурур, ифтихорга тўлди. Пойтахтдан ташриф буюрган таниқли санъаткорлар ижросидаги куй-қўшиқлар эса тадбирга ўзгача файз улашди.

**Аҳад МУҲАММАДИЕВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

# Халқимиз бунёдкорлик салоҳияти юксалмоқда

(Давоми. Бошланиши 1-бетда).

Бинобарин, мамлакатимиз ҳудудида беш юздан ортиқ ғишт, цемент, керамзит, гипс, оҳактош, қум, шағал сингари хом ашё конлари аниқланган ва ушбу табиий захира манбаларининг катта қисми айнан мустақиллик йилларида очилган.

Қувонарлиси шундаки, бундан йигирма — йигирма беш йил илгари хориждан валюта эвазига келтирилган бинокорлик материаллари ўрнини эндиликда маҳаллий маҳсулотлар эгаллаб, деярли барча турдаги бўёқлар ўзимизнинг корхоналар томонидан етказиб берилмоқда. Улар кучли рақобат шароитида харидорлар ишончини қозонгани яна бир эътиборли жиҳатдир. Бу чуқур иқтисодий ислоҳотлар доирасида маҳаллий ишлаб чиқарувчилар, тадбиркорларга тақдим этилаётган имтиёз ҳамда преференциялар, яратиб берилаётган кенг имкониятларнинг самараси, албатта.

Дарҳақиқат, юртимизда бунёдкорлик ишлари қамрови ва салмоғи ортиб бораётгани баробарида, қурилиш материаллари ишлаб чиқариш саноати ҳам тараққий этаяпти. Бундай маҳсулотларни тайёрловчи субъектлар ҳамда уларни харидорларга етказувчи махсус бозорлар сони кўпаймоқда. Ҳозир деярли ҳар бир ҳудудда қурилиш материаллари бозорига дуч келасиз ва бу ердаги маҳсулотлар ранг-баранглиги, шунга мос равишда сифати ҳамда нархи талаб даражасида эканидан кўнглингиз тўлади.

Қайд этиш керакки, мазкур йўналишда маҳаллий ишлаб чиқаришни изчил кенгайтиришда давлатимиз раҳбарининг 2005 йил 24 мартдаги “Қурилиш материаллари саноатида иқтисодий ислоҳотларни чуқурлаштириш ва тармоқни жадал ривожлантириш тўғрисида”ги Фармони ҳамда 2009 йил 19 июндаги “Деворбоп материаллар ишлаб чиқаришни кўпайтиришни рағбатлантириш ва сифатини яхшилаш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги қарори дастуриламал бўлмоқда.

Ушбу ҳужжатларга мувофиқ, қурилиш маҳсулотлари ишлаб чиқарувчи корхоналар истиқболли лойиҳаларни амалга ошириши учун ҳар томонлама қўллаб-қувватланаяпти. Натижада сўнгги йилларда ўттиздан ортиқ турдаги қурилиш материали ишлаб чиқариш маҳаллийлаштирилди. Қуруқ қурилиш аралашмалари, гипсокартон, девор ҳамда шифт учун пластик панеллар, алюминий-пластик композит панеллар, пластик эшик ва ромлар, алюминий радиаторлар, полимер асосидаги санитария-техника воситалари, сопол фриз, сайдинг-панеллар, ойна блоклари, линолеум, ламинатланган паркетлар шулар жумласидандир. Қолаверса, ҳудудларни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш дастури асосида 2015 — 2016 йилларда қурилиш материаллари ишлаб чиқариш соҳасида икки мингдан зиёд лойиҳа амалга оширилиши режалаштирилган бўлиб, бу орқали муайян миқдорда инвестиция ўзлаштирилиб, ўнлаб янги иш ўринлари яратилаяпти.

Мамлакатимизда қурилиш маҳсулотлари ишлаб чиқаришни кенгайтиришда 2015 — 2019 йилларга мўлжалланган Маҳаллийлаштириш дастури алоҳида аҳамият касб этмоқда. Унга кўра, бугунги кунда, асосан, хориждан келтирилаётган гулқоғозлар, композит материаллар, металли ва металлсиз графитдан, фторопластдан тайёрланган, жами йигирма турдан ортиқ қурилиш материалларини ўзлаштириш назарда тутилган.

Ҳозирги кунга келиб, Ўзбекистон саноатида етакчи ўринлардан бирини эгаллаган бу соҳадаги корхоналар ва улар ишлаб чиқараётган маҳсулотлар сонида жадал ўсиш тенденцияси кузатилмоқда. Бу эса бунёдкорлик ишларини янада ривожлантиришга, аҳоли бандлиги ҳамда фаровонлигини юксалтиришга хизмат қилаётир. Мазкур йўналишда кейинги йилларда анъанавий тарзда қабул қилиниб, ҳаётга жорий этилаётган намунавий уй-жойлар қурилиши билан боғлиқ дастур аҳамияти ниҳоятда катта бўлаяпти. Шаҳарникидан қолишмайдиган шарт-шароитларни ўзида жамлаган замонавий туражойлар маҳаллий қурилиш материаллари асосида барпо этилаётгани эътирофга молик.

Улкан бунёдкорлик ишлари ҳамда қурилиш саноати ривожида хорижий компаниялар билан ҳамкорликнинг ҳам ўзига хос ўрни бор. Бу соҳада ҳар йили юксак савияда ўтказиб келинаётган халқаро кўргазмалар мутахассислар учун ўзаро фикр ва тажриба алмашиш, маҳаллий корхоналар ҳамда чет эллик шериклар билан ўзаро манфаатли шартномалар имзолаш, эришилган ютуқ ва натижаларни сарҳисоб этиш имконини бераяпти.

Дарҳақиқат, мустақиллик шарофати билан узоқни кўзлаб рўёбга чиқарилаётган ислоҳотлар, халқимизнинг меҳнати ва фидокорлиги самарасида эришилаётган ютуқ ҳамда марраларимиз энг чекка ҳудудларни-да қамраб олган бунёдкорлик ишларида ҳам яққол ифодасини топмоқда. Бунинг замиридаги эзгу мақсад шуки, биз қураётган бинолардан наинки бугунги, балки келгуси авлодлар ҳам баҳраманд бўлсин, асрлар давомида ўзгача ғурур билан яшасин.

**Турғун ИСКАНДАРОВ,**
**Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати аъзоси.**

# Юртимизга кўз тегмасин

— Мен совет тузуми давридаги ҳаётни кўрганлардан бириман. Марказнинг халқимизга қилган жабр-жафолари кўз ўнгимдан бир-бир ўтади. Ўтган асрнинг 80-йилларида “десантчилар”, деган бало пайдо бўлди. Иттифоқ таркибидаги бошқа республикалардан келган кадрлар раҳбарликка қўйилди.

## КИМ ЭДИГУ КИМ БЎЛДИК?!

Умрида пахтани кўрмаган республика миқёсидаги бир раҳбар туманимизга келганини эслайман. У ғўза парвариши бўйича маълумотлар тўплаши керак экан. Машинада чўлга чиқдик. Ҳамроҳим иссиққа чидамади. Яқинроқ далага олиб боришни сўради. Таваккал қилиб, йўл четидаги айни гулга кирган янтоқзорни кўрсатдим.

“Қойил, экин бир текис ўсаяпти. Бу ердан баракали ҳосил оласизлар”, деди текширишга келган одам. Мана шу воқеанинг ўзи ҳам республикага Марказдан жўнатилган “десантчи” кадрлар салоҳияти қай даражада бўлганини яққол кўрсатади.

Ўзи етиштирган маҳсулотларни четдан сотиб олишни тасаввур қила оласизми? Сиз тасаввур қила олмассиз, бироқ мустабид тузум даврида “доно” раҳбарлар учун бу тўғри қарор бўлгани одамга алам қилади. Ваҳолонки, ўша даврларда оддийгина халқ истеъмоли моллари ишлаб чиқариш ҳам йўқ эдида. Бошқа республикаларга саёҳатга борган кишилар жомадонини тўлдириб рўмол олиб қайтишарди. Хотин-қизлар энг кўп рўмол ўрайдиган Ўзбекистонда шу хилдаги рўмол ишлаб чиқарилмаганига нима дейсиз?

Пиллани эса минг азоб билан ўзбекистонликлар етиштирарди. Ўзи етиштирган бу маҳсулотни ўзи қайтадан сотиб оларди. Ақл бовар қилмайди!!! Ёки Беларусь, Украина, Костромадан келтирилган сариёғлар учун навбатлар чексиз бўлганини биз тенгилар ҳали унутгани йўқ. Пахта етиштирилаётган Ўзбекистонда совун, ёғ, пахта матолар танқис бўлгани меҳнаткаш халқнинг устидан кулиш, масхара қилиш эмасми?

Яна бир гап. Бундай воқеага ўша даврларда кўп марта гувоҳ бўлганмиз. Шаҳримизнинг Бобур номидаги маҳалласида яшовчи Норпўлат ака ўтган асрнинг 70-йилларида машина харид қилган эди. Автоулови билан қўни-қўшниларнинг узоғини яқин қилар, биров касалхонага, яна биров узоқроқ манзилга отланса, Норпўлат ака хизматга шай турарди. Шуни ҳам совет ҳукумати кўп кўрди. Бечоранинг текшир-текширлардан боши чиқмади. Охири машинасини сотиб қутулди. Собиқ иттифоқ даврида уйи шиферланган, машина олган одам борки, у халқ душманига айланарди.

Бугунги кунларга етиш осон бўлмаган. Орзулар армонга айланган даврларнинг ортда қолгани рост бўлсин. Биргина Хончарвоқ маҳалласидаги икки мингга яқин хонадондан бир ярим мингининг остонасида юртимизда ишлаб чиқарилган енгил автомобиллар ярқираб турибди. Трактори, юк машинаси, бошқа техникаларни ҳисобга қўшмадим.

Яқин дўстим Эркинжоннинг ўғли Япониядаги нуфузли университетлардан бирида дарс беради. У ўғлини кўриб келиб, ўзининг ҳайратини яшира олмади: Ўзбекистондан олиб борилган туршак “Кунчиқар юрт”даги дорихоналарда доналаб дори-дармон сифатида сотилаётганлигини айтиб, кўзларида шукроналик, қувонч ёшлари қалқиди.

Биз, нуронийлар энг улуғ тилак, дуоларимизни юртимизга, Юртбошимизга бағишлаб, мамнун яшаяпмиз. Илоҳим, Ўзбекистонимизга кўз тегмасин!

**Бахтиёр СУЛАЙМОНОВ,**
*Пайариқ тумани, Жума шаҳри.*

# ВАТАН РАВНАҚИГА ДАХЛДОРЛИК

## ёшларни хайрли мақсадлар йўлида бирлаштирмоқда

Истиқлол йилларида бунёдкор халқимизнинг азму шижоати билан барпо этилаётган ноёб меъморий иншоотлар, замонавий кўприклар, кенг ва равон йўллар юртдошларимиз қалбида фахр-ифтихор туйғуларини уйғотаётгани, шубҳасиз. Айниқса, шундай хайрли мақсадлар йўлида баҳамжиҳат, фидойилик кўрсатиб меҳнат қилаётган минглаб ёшларни кўриб, ҳавас қиласан, киши.

## ЭЪТИБОР


Ҳасан ПАЙДОЕВ олган сурат.

Чунончи, мамлакатимизда улғайиб келаётган йигит-қизларнинг бу жабҳадаги фаоллигини янада ошириш, уларни миллий қадриятларимизга эҳтиром руҳида тарбиялаш ҳамда иш билан таъминлаш масалаларига алоҳида эътибор қаратилаётир. “Камолот” ёшлар ижтимоий ҳаракати Марказий кенгаши ва қатор вазирлик ҳамда идоралар билан ҳамкорликда ўтказиб келинаётган “Бунёдкор” талаба-ёшлар меҳнат ҳаракатлари ҳам ана шундай эзгу мақсадларга хизмат қилмоқда.

Давлатимиз раҳбарининг 2014 йил 6 февралдаги “Ўзбекистон Республикасида ёшларга оид давлат сиёсатини амалга оширишга қаратилган қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги қарори эса бу сингари ишларни янги босқичга кўтарди. Ушбу ҳужжатда юксак маънавиятли, мустақил ва эркин фикрлайдиган, замонавий илм-фан ютуқларини пухта ўзлаштирган навқирон авлодни вояга етказиш, юртимизда амалга оширилаётган кенг кўламли ислоҳотларда ёшларнинг фаол қатнашишини таъминлаш масалаларига алоҳида эътибор қаратилган.

Шунга мувофиқ, айни кунларда мамлакатимизнинг барча ҳудудида зарбдор меҳнат жамоалари тузилган бўлиб, уларга олий ўқув юртлари талабалари билан бир қаторда, меҳнат билан банд бўлмаган ёшлар ҳам жалб этилган. Биз ушбу жараён билан яқиндан танишиш мақсадида Тошкент вилоятида бўлдик.

— Жорий йилда вилоят бўйича жами 184 та меҳнат отряди тузилди, — дейди “Камолот” ёшлар ижтимоий ҳаракати Тошкент вилояти кенгаши раиси М. Ражаббоев. — Уларга 3611 нафар йигит-қиз жалб этилган. Жумладан, қурилиш, таъмирлаш ва ободонлаштириш объектларида, намунали уй-жойлар қурилишида, қишлоқ хўжалиги, педагогик йўналиш, ишлаб чиқариш, маиший хизмат кўрсатиш соҳаси ҳамда бошқа йўналишларда ҳам йигитлар астойдил меҳнат қилмоқда.

Тошкент давлат аграр университети талабаларининг бир гуруҳи ўз таълим даргоҳлари ҳудудида ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштириш ишларида фаол қатнашаётир.

“Бунёдкор” талаба-ёшлар меҳнат ҳаракатларининг ғайрат-шижоатига Оҳангарон туманида ҳам гувоҳ бўлдик. Бу ерда салкам юз талаба-ёшдан иборат ўнта меҳнат гуруҳи тузилган. Чунончи, тумандаги Убайд қишлоғидаги намунавий лойиҳа асосидаги уй-жойлар қурилишида 15 нафар ёш қатнашаётган экан. Таъкидлаш жоизки, мазкур қурилиш “Устоз-шогирд” анъанаси асосида ташкил этилгани айни муддао бўлмоқда.

Туман тиббиёт бирлашмаси болалар бўлими ҳам шижоатли авлод вакиллари томонидан қайта таъмирланмоқда. Бу ишларга ҳудуддаги Қўрғон, Бахт, Адолат маҳаллаларида яшовчи ёшлар жалб этилибди.

Шунингдек, меҳнат майдонларида бунёдкор ёшларнинг овқатланиши, мазмунли ҳордиқ чиқариши, эҳтиёж туғилганда тиббий хизматдан фойдаланиши учун барча имконият мавжуд. Талабалар ҳузурида ташкил этилаётган маънавий-маърифий тадбирлар, хусусан, “Энг яхши меҳнат гуруҳи”, “Меҳнат гуруҳининг энг фаол аъзоси” танловлари, “Камолот”да менинг ўрним”, “Биз “Камолот” билан” викториналари йигит-қизларга унутилмас таассуротлар бағишламоқда.

Дарҳақиқат, “Бунёдкор” талаба-ёшлар меҳнат ҳаракати — эртамиз эгаларини нафақат меҳнатга, балки уларни ҳаётга теран нигоҳ билан қарашга ўргатмоқда. Зеро, ёшларнинг бу фидойиликлари мустақил юртимиз тараққиётига муносиб ҳисса бўлиб қўшилиши, шубҳасиз.

**Омонулла ФАЙЗИЕВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

ЭЪЛОНЛАР

**КОРХОНА ВА ТАШКИЛОТЛАР РАҲБАРЛАРИ ДИҚҚАТИГА!**

XALQ BANKI

**АТ Халқ банки**

**«Имкон» лаҳзали, пул-ютуқли лотереяси билетларини тайёрлатиш ҳамда етказиб бериш бўйича танлов муддати узайтирилганлигини эълон қилади (ҳар битта тайёрланадиган 1, 2, 3, 4, 5-разрядли билетлар бўйича алоҳида шартнома тузилади).**

Танловда таклиф этилаётган хизматларни кўрсатувчи чет эл ва маҳаллий фирмалар ҳамда ташкилотлар иштирок этишлари мумкин.

1. Танлов комиссияси ишчи органи манзили ва телефони: Ўзбекистон Республикаси, 100000, Тошкент шаҳри, Амир Темур шоҳкўчаси, 3-уй.
   Телефонлар: (+99871) 120-17-24, 233-78-97.
   www.xb.uz
   e-mail: marketing@xb.uz b.kuchkorov@xb.uz
2. Танлов мақсади — «Имкон» лаҳзали, пул-ютуқли лотереяси билетларини тайёрлатиш ҳамда етказиб бериш.
3. Танлов ўтказиш шартлари бўйича қўшимча маълумотларни душанба — жума кунлари соат 9.00 дан 18.00 гача юқорида кўрсатилган манзил ҳамда телефонлар орқали ёки www.xb.uz сайтидан олиш мумкин.
4. Тижорат таклифлари (нархлар ва техник талаблар ҳар бир разряд бўйича алоҳида конвертда корхона муҳри билан тасдиқланган бўлиши лозим) 2016 йилнинг 28 июль куни Тошкент вақти билан соат 17.00 га қадар қабул қилинади.

1055А/130

*Хизматлар лицензияланган.*

**«TOSHKENT UNIVERSAL AUKTSION SAVDO» МЧЖ**
**АХБОРОТИ**

**«Toshkent universal auktsion savdo» МЧЖ томонидан 2016 йил 5 июль куни ўтказилган тўғридан-тўғри музокаралар натижасига кўра, Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий фаолият миллий банкига қарашли (собиқ «Митан Шароб» МЧЖ балансидаги):**

1) узумни қайта ишлаш асбоб-ускунаси №1;
2) узумни қайта ишлаш асбоб-ускунаси №2;
3) қуйиш линияси;
4) иситиш ускунаси (котел Е-1/10-0,9);
5) иситиш ускунаси (котел Е-1/10-0,9М2);
6) трансформатор подстанцияси тўплами (трансформатор ТМ-63/10 кВт);
7) 72 дона турли ҳажмдаги алюминий ва эмалланган цистернадан иборат мол-мулклар яхлит ҳолда — 447 693 000 сўмга сотилганлиги ҳамда «Халқ сўзи» газетасининг 2015 йил 17 ноябрдаги 222-сонида чоп этилган эълон билан аукцион савдосига қўйилган, Ўзбекистон Республикаси Олий суди балансидаги, давлат рақами 01/943 UAA бўлган, «Ивеко-М29» русумли автотранспорт воситаси мазкур ташкилотнинг 2016 йил 27 июндаги 03/16-39-16-сонли хатига асосан, савдодан олинганлиги маълум қилинади.

1051А/30

**Гувоҳнома № 005357.**

**«KO‘CHMAS MULK SAVDO XIZMATI» МЧЖ**
**Сирдарё вилояти филиали**

***бошланғич баҳоси босқичма-босқич ошиб бориш тартибида ўтказиладиган очиқ аукцион савдоларига таклиф этади.***

**I.** Аукцион савдосига Ховос тумани СИБ томонидан:
— Сирдарё вилояти хўжалик судининг 2015 йил 16 ноябрдаги 12-1501/20733-суд буйруғига асосан хатланган, Янгиер шаҳри, Абдураҳмон Жомий номидаги маҳалла ҳудудида жойлашган, «Ховосдонмаҳсулотлари» АЖга тегишли, умумий майдони 600,0 кв. м.дан иборат қурилиши тугалланмаган бинолар бошланғич баҳоси арзонлаштирилган ҳолда такроран қўйилмоқда.

***Бошланғич баҳоси — 482 808 486 сўм.***

**II.** Янгиер шаҳар СИБ томонидан:
— Сирдарё вилояти хўжалик судининг 2015 йил 16 январдаги 12-1504/408, 12-1504/405-сонли ва 2015 йил 28 апрелдаги 12-1506/3522, 12-1506/3523, 12-1506/3525-сонли суд буйруқларига асосан хатланган, Янгиер шаҳри, Пахтакор кўчасида жойлашган, умумий қурилиш майдони 32018,49 кв. м., умумий фойдаланиш майдони 33051,40 кв. м. бўлган, «Янгиерйўлиндустрия» УКга тегишли бино арзонлаштирилган ҳолда такроран қўйилмоқда.

***Бошланғич баҳоси — 863 787 808 сўм.***

**III.** Боёвут тумани СИБ томонидан:
— Сирдарё вилояти хўжалик судининг 2015 йил 16 октябрдаги 12-1503/14031-сонли, 2015 йил 21 октябрдаги 12-1503/14909-сонли ва 2015 йил 22 октябрдаги 12-1504/10740-сонли ижро варақаларига асосан хатланган, «Диёр Нур Боёвут» фермер хўжалигига тегишли, Боёвут тумани, «Т. Латипов» СИУ ҳудудида жойлашган, умумий қурилиш майдони 735,68 кв. м., фойдаланиш майдони 620,16 кв. м. бўлган техникаларни сақлаш биноси қўйилмоқда.

***Бошланғич баҳоси — 444 276 769 сўм.***

Аукцион савдоси 2016 йил 1 август куни соат 11.00 да Гулистон шаҳри «Бизнес маркази» биноси мажлислар залида бўлиб ўтади. Аризалар иш кунлари соат 10.00 дан 16.00 гача қабул қилинади (соат 13.00 дан 14.00 гача тушлик вақти). Аризаларни қабул қилишнинг охирги муддати — 2016 йил 29 июль куни соат 18.00.

**IV.** Сайхунобод тумани СИБ томонидан:
— Сирдарё вилояти хўжалик судининг 2016 йил 6 январдаги 12-1306/2082-сонли ижро варақаси ва 2016 йил 17 майдаги 12-1605/4635-сонли суд буйруғига асосан хатланган, Мирзаобод тумани, «Тошкент» ҚФЙ, Боғистон маҳалласи, «Мустақилликнинг 20 йиллиги» массивида жойлашган, «Оқолтин дон маҳсулотлари» АЖга тегишли, умумий майдони 500,0 кв. м. бўлган нон цехи қўйилмоқда.

***Бошланғич баҳоси — 389 170 653 сўм.***

Аукцион савдоси 2016 йил 15 август куни соат 11.00 да Гулистон шаҳри «Бизнес маркази» биноси мажлислар залида бўлиб ўтади. Аризалар иш кунлари соат 10.00 дан 16.00 гача қабул қилинади (соат 13.00 дан 14.00 гача тушлик вақти). Аризаларни қабул қилишнинг охирги муддати — 2016 йил 12 август куни соат 18.00.

Кўчмас мулклар билан тегишли туман (шаҳар) суд ижрочилари бўлими вакили иштирокида бевосита жойига чиқиб танишиш мумкин.

Талабгорлар мулк бошланғич баҳосининг 10 фоизидан кам бўлмаган миқдордаги закалат пулини тўлов ҳужжатида ижро ҳужжати рақами ва санасини кўрсатган ҳолда, «Ko‘chmas mulk savdo xizmati» МЧЖ Сирдарё вилояти филиалининг АТ «Асака» банки Сирдарё филиалидаги қуйидаги ҳисоб рақамига тўлашлари шарт: 20208000904920609006, МФО: 00373, СТИР: 207122519.

**Манзил: Гулистон шаҳри,**
**Ўзбекистон шоҳкўчаси, 3-уй, 3-қават, 58-хона.**
**Тел.: (0-367) 226-38-91. www.1kms.uz**

1056R/180

Хизматлар лицензияланган.

**«VIP REAL ESTATE» МЧЖ**

**бошланғич баҳоси босқичма-босқич ошиб бориш тартибида ўтказиладиган очиқ аукцион савдоларига таклиф этади.**

**2016 йил 16 август куни соат 12.00 да бўлиб ўтадиган аукцион савдосига қуйидаги мулклар қўйилмоқда:**

1. ЖИБ Тошкент шаҳар судининг 2015 йил 18 сентябрдаги 50/2015-сонли ижро варақасига асосан, Яккасарой тумани СИБ томонидан хатланган, Тошкент шаҳри, Яккасарой тумани, Занжирбоғ кўчаси, 21-«А» уйда жойлашган, умумий ер майдони 298,10 кв. м. бўлган уй.

***Бошланғич баҳоси — 19 596 532 сўм.***

**2.** Ўзбекистон Республикаси Ҳарбий судининг 2015 йил 26 июндаги 22/15-сонли ижро варақасига асосан, Яккасарой тумани СИБ томонидан хатланган, Тошкент шаҳри, Яккасарой тумани, Ракат кўчаси, 39-уйда жойлашган, ер майдони 976,0 кв. м., умумий майдони 913,48 кв. м., яшаш майдони 526,23 кв. м. бўлган, 13 та яшаш хонаси, мансарда ва ертўладан иборат 2 қаватли хонадон.

***Бошланғич баҳоси — 3 743 429 258 сўм.***

**3.** ЖИБ Тошкент шаҳар судининг 2012 йил 16 февралдаги ЖСҲ-1-69/12-сонли ижро варақасига асосан, Суд департаменти Тошкент шаҳар ҳудудий бошқармаси томонидан хатланган, Тошкент шаҳри, Юнусобод тумани, Амир Темур шоҳкўчаси, 62-уйда жойлашган, умумий майдони 836,0 кв. м.дан иборат, уч қаватли бинонинг биринчи қавати бир қисми бўлган «Маиший хизмат кўрсатиш биноси».

***Бошланғич баҳоси — 1 594 014 000 сўм.***

**4.** ЖИБ Тошкент шаҳар судининг 2012 йил 16 февралдаги ЖСҲ-1-69/12-сонли ижро варақасига асосан, Суд департаменти Тошкент шаҳар ҳудудий бошқармаси томонидан хатланган, Тошкент вилояти, Бўстонлиқ тумани, Бурчмулло қишлоғи, Д. Тусметов кўчасида жойлашган, умумий майдони 792,0 кв. м., қурилиш ости майдони 730,4 кв. м. бўлган 2 қаватли дала-ҳовли.

***Бошланғич баҳоси — 748 819 000 сўм.***

**5.** ЖИБ Тошкент шаҳар судининг 2012 йил 16 февралдаги ЖСҲ-1-69/12-сонли ижро варақасига асосан, Суд департаменти Тошкент шаҳар ҳудудий бошқармаси томонидан хатланган, Тошкент шаҳри, Олмазор тумани, Чангалзор-Мавзук кўчаси, 3-уйда жойлашган, умумий ер майдони 15844,0 кв. м., фойдаланиш майдони 2898,3 кв. м.дан иборат бўлган ишлаб чиқариш ҳудуди бино-иншоотлари.

***Бошланғич баҳоси — 3 107 064 000 сўм.***

Аукцион савдосига қўйилган мулклар билан тегишли туман (шаҳар) СИБ вакили иштирокида бевосита жойига чиқиб танишиш мумкин. Аукцион савдоси ғолиби савдо ўтган санадан бошлаб 5 (беш) банк куни мобайнида мулк учун тўловларни амалга ошириши лозим. Талабгорлардан аризалар иш кунлари соат 10.00 дан 16.00 гача қабул қилинади ва аукцион савдосидан бир кун олдин соат 12.00 да тўхтатилади. Аукцион савдосида қатнашиш истагидаги талабгорлар тузиладиган закалат келишувига асосан, мулк бошланғич баҳосининг 10 (ўн) фоизидан кам бўлмаган миқдордаги закалат пулини тўлов ҳужжатида ижро ҳужжати рақами ҳамда санасини кўрсатган ҳолда, савдо ташкилотчисининг АТБ «InfinBANK»даги МФО: 01041, ИНН: 302681189, 20208000600250595001 ҳисоб рақамига тўлашлари ва ариза билан қуйидаги ҳужжатларни топширишлари керак:

— жисмоний шахслар — паспорт нусхаси;

— юридик шахслар — давлат рўйхатидан ўтказилганлиги тўғрисидаги гувоҳнома нусхаси, агар ваколатли вакил қатнашса, ўрнатилган тартибда расмийлаштирилган ишончнома, унинг шахсини тасдиқлайдиган ҳужжат илова қилинган ҳолда, закалат пули тўланганлиги ҳақида тўлов ҳужжати; хорижий юридик ҳамда жисмоний шахслар — сўмдаги маблағларининг келиб чиқиши қонунийлигини тасдиқлайдиган маълумотнома. Қўшимча хизматлар кўрсатиш учун тўлов олинади.

**Манзил: Тошкент шаҳри,**
**Амир Темур 1-тор кўчаси, 6-уй.**
**Телефон: (0-595) 143-0-143.**
**e-mail: info@realtors.uz**

1052А/

Хизматлар лицензияланган.

Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси “O‘zbekiston” телерадиоканали” давлат унитар корхонаси жамоаси “Кўнгилочар ва мусиқий эшиттиришлар” муҳарририяти бош муҳаррири Юсуф Хайруллаевга онаси

**Муҳаррам ая ИСМОИЛОВАнинг**

вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

«ХАЛҚ СЎЗИ»га
ЭЪЛОНЛАР
ҚАБУЛ ҚИЛИНАДИ.
9.00 дан 18.00 гача
232-11-15,
236-09-25.
E-mail: reklama@xs.uz
02

# ТАШҚИ ИҚТИСОДИЙ ҲАМКОРЛИК ВА ИСТИҚБОЛ

(Давоми. Бошланиши 1-бетда).

Ушбу дастуриламал вақт синовларидан муваффақиятли ўтиб, ҳар қанақа “шок терапияси” пуч ғоя экани, марралар босқичма-босқич ҳамда изчил забт этилишини исботлади. Шу асосда халқимиз турмуш тарзини яхшилаш, ижтимоий йўналтирилган бозор иқтисодиётига эга демократик ҳуқуқий давлатни барпо қилиш мақсадида барча зарур ҳуқуқий асослар яратилди. Орадан қисқа вақт ўтди.

Ҳозир эса “Киммиз?” деган саволни ўзимизга ўзимиз баралла беришимиз мумкин.

Бугун-ми? Бугун жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози ҳали-ҳануз давом этаётганига қарамасдан, ялпи ички маҳсулоти ўсиш суръатлари ўртача камида 8,2 фоизни ташкил қилаётган, аҳолиси реал даромадлари тобора ошиб бораётган озод ва обод Ўзбекистонмиз, фаровон ҳамда бир оиладек ҳамжиҳат яшаётган ўзбекистонликлармиз. Қўлга киритилаётган ютуқларимиз эса ҳақли равишда жаҳонда тан олинмоқда.

Бинобарин, кеча ким эдигу бугун ким бўлдик?!

Таъкидлаш жоизки, Ўзбекистон истиқлолга эришгач, қатор давлатлар билан мустақил иқтисодий ҳамкорликни йўлга қўя бошлади. У тараққиётнинг устувор йўналишларидан бири, давлат сиёсатининг муҳим жиҳати сифатида белгилаб олинди. Пировардида улкан табиий ва илм-фан салоҳияти, қудратли экспорт имкониятларига эга бўлган мустақил мамлакатимизнинг жаҳон ҳамжамиятидаги ўрни ҳамда обрў-эътибори янги босқичга кўтарилиб, ижтимоий-иқтисодий ислоҳотларни изчил амалга ошириш, миллий иқтисодиётни янада юксалтириш, экспортбоп маҳсулотлар турини кўпайтириш, энг муҳими, жаҳон ҳамжамиятига интеграциялашувимиз учун эмин-эркин шароит яратди.

Шу боис бугунги кунда мамлакатимиз Бирлашган Миллатлар Ташкилоти, Жаҳон банки, Халқаро валюта жамғармаси, Халқаро ривожланиш ассоциацияси, Халқаро молия корпорацияси, Инвестиция кафолатлари бўйича кўп томонлама агентлик, Озиқ-овқат ва қишлоқ хўжалиги ташкилоти, Осиё ва Тинч океани минтақаси учун иқтисодий ва ижтимоий комиссияси, БМТнинг савдо ва тараққиёт бўйича конференцияси ҳамда Таълим, фан ва маданият масалалари бўйича ташкилоти, Халқаро меҳнат ташкилоти, Интеллектуал мулк бўйича халқаро ташкилот, Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги, Шанхай ҳамкорлик ташкилоти, Ислом ҳамкорлик ташкилоти, Осиё ҳамда Ислом тараққиёт банклари каби нуфузли тузилмаларнинг аъзоси ҳисобланади.

Зеро, жаҳон тажрибаси шуни кўрсатадики, иқтисодий тараққиётни таъминлаш учун нафақат мавжуд ички захиралардан, балки халқаро иқтисодий ташкилотлар ресурсларидан фойдаланиш ҳам муҳим омил саналади. Айни чоғда бугун ривожланган мамлакатлар ва глобал миқёсдаги бизнес ташкилотлари ўз сармоясини ҳар томонлама жозибадор, инвесторларга ниҳоятда қулай шароитлар яратиб берилган, инсон капитали устувор ҳамда меҳнат салоҳияти юқори бўлган давлатларга жойлаштиради. Шу маънода, Юртбошимиз таъкидлаганидек, “...бу каби ташкилотлар билан ҳамкорликни амалга ошириш келгусида ҳам ташқи сиёсатимизнинг устувор йўналишларидан бўлиб қолаверади. Юртимизда амалга оширилаётган янгиланиш ва иқтисодий ислоҳотлар жараёнида ушбу ташкилотларнинг роли ва ўрни бениҳоя катта”.

*Ўзбекистон истиқлолга эришгач, қатор давлатлар билан мустақил иқтисодий ҳамкорликни йўлга қўя бошлади. У тараққиётнинг устувор йўналишларидан бири, давлат сиёсатининг муҳим жиҳати сифатида белгилаб олинди.*

Истиқлолнинг дастлабки йиллариданоқ республикамизда мазкур йўналишга алоҳида эътибор қаратилди. Мустақиллигимиз эълон қилинган кун эса Ўзбекистонимизнинг дунё ҳамжамиятига кенг миқёсда ҳамда жадал интеграциялашувининг бошланғич нуқтаси бўлиб ҳисобланади. Зотан, шу муқаддас, мўътабар ва улуғ санадан эътиборан мамлакатимиз халқаро ҳуқуқнинг тўлақонли субъектига айланди. Шундан сўнг қисқа вақт ичида юртимиз суверенитети юздан ортиқ давлатлар томонидан тан олиниб, улар биз билан иқтисодий ҳамкорлик ўрнатиш, уни равнақ топтиришга тайёр эканлигини билдирди. Бу ёш ҳамда баркамол давлатимизнинг ёрқин келажагига глобал миқёсдаги катта ишонч эди.

Хусусан, 1992 йил 2 мартда Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг тўлақонли аъзоси бўлдик. Шу кундан бошлаб миллий байроғимиз унинг Нью-Йоркдаги бош қароргоҳида мағрур ҳилпираб турибди. Ўшандан буён мазкур тузилма ҳамда унинг ихтисослаштирилган ташкилотлари билан турли соҳалар, жумладан, иқтисодий жабҳада ҳам самарали муносабатлар мустаҳкамланиб бораётир.

Ўтган даврда БМТ билан иқтисодиёт, давлат бошқаруви, соғлиқни сақлаш ва таълим, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш тармоқларидаги ислоҳотларни қўллаб-қувватлаш йўлида қатор лойиҳалар амалга оширилди, шу мақсадда қиймати 430 миллион АҚШ долларидан ортиқ техник ёрдам кўрсатилди.

Шу ўринда 1993 йилдан буён республикамизда БМТнинг Тараққиёт дастури (БМТТД) ўз фаолиятини юритиб келаётгани ҳақида алоҳида тўхталиб ўтиш жоиз. Боиси, 1999 йилдан бошлаб у билан Мамлакат ҳамкорлик дастури (МҲД) асосида қатор ишлар олиб борилмоқда.

Бундан кўзланган мақсад мамлакатнинг ижтимоий-иқтисодий равнақи бўйича қисқа ҳамда ўрта муддатга мўлжалланган устувор вазифаларни ҳал қилишда Ўзбекистонга техник ва консультатив кўмак беришдан иборатдир. Бу борада кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни янада тараққий топтириш, менежмент ҳамда маркетинг йўналишларига замонавий технологияларни татбиқ этиш, қишлоқ жойлари, хусусий сектор, ахборот-коммуникация технологияларини ривожлантириш, табиатни муҳофаза қилиш, энергиядан оқилона фойдаланиш каби стратегик соҳалардаги лойиҳаларни рўёбга чиқаришда миллий институтлар қўллаб-қувватланиб келинаяпти. Ўзаро алоқаларга асос солингандан бери умумий ҳажми 200 миллион доллардан зиёд 250 та лойиҳа бажарилгани бунинг тасдиғидир.

Ўзбекистоннинг юксак молиявий истиқболи 1992 йилдан тан олинган. Сабаби, шу йили давлатимиз Жаҳон банкининг тўлақонли аъзосига айланди. Бунда “Ўзбекистон Республикасининг Халқаро валюта фонди, Реконструкциялаш ва ривожланиш халқаро банки, Ривожланиш халқаро ассоциацияси, Халқаро молия корпорацияси, Кўп томонлама сармоя ажратишни кафолатловчи агентликка аъзолиги тўғрисида”ги Қонун пойдевор вазифасини ўтади ҳамда Тошкентда унинг ваколатхонаси очилди. Мазкур глобал миқёсда фаолият юритадиган муассаса билан соғлиқни сақлаш, таълим, энергетика тизимини модернизация ва реконструкция қилиш, суғориш-дренаж тармоқларини қайта тиклаш ҳамда таъмирлаш, коммунал хўжалик инфратузилмасини такомиллаштириш ва бошқа жабҳаларда изчил ҳамкорлик йўлга қўйилган. Бу, ўз навбатида, мамлакатимизнинг дунё иқтисодий-молиявий бозорига жадал интеграциялашуви, тараққиётнинг “ўзбек модели” самаралари билан жаҳон ҳамжамиятини яқиндан таништириш имконини бермоқда.

Мана шундай ижобий натижаларни Европа Иттифоқи билан олиб борилаётган алоқалар мисолида ҳам кўриш мумкин. Гап шундаки, ушбу тузилма билан ҳамкорлик истиқлолнинг илк йилларидаёқ давлатимиз ташқи сиёсатининг устувор йўналишларидан бирига айланди. Қитъа давлатлари билан алоқалар Ўзбекистон Республикаси ҳамда Европа ҳамжамияти ўртасидаги шериклик ва ҳамкорлик доирасида ривожланаётир. Бинобарин, 1992 — 2015 йилларда умумий қиймати 721,4 миллион евролик лойиҳалар ҳаётга татбиқ этилди. 2020 йилга қадар эса Европа Иттифоқи молиявий ва техник кўмак доирасида қишлоқ жойларини ривожлантириш мақсадида озиқ-овқат маҳсулотларини қайта ишлаш, сув таъминоти ҳамда кичик суғориш тизимлари, фермер хўжаликлари, энергетика каби тармоқларда қатор ташаббусларни рўёбга чиқаришни режалаштираяпти. Бунинг учун дастлаб 168 миллион евро миқдорида маблағ ажратилади.

Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги доирасида ҳам савдо-иқтисодий муносабатлар, транспорт-коммуникация алоқалари, гуманитар соҳаларни янада тараққий топтиришни ўз ичига олувчи кўплаб муҳим йўналишларнинг ҳуқуқий асослари ва механизмлари яратилиб, амалий чора-тадбирлар давом эттирилмоқда. Хусусан, МДҲ ташкил этилганидан буён Ўзбекистон узоқни ўйлаган ҳолда, иқтисодий интеграцияни чуқурлаштириш, хўжалик муносабатларини янги асосда сақлаш каби жараёнларнинг сиёсий тус олмаслиги тарафдори бўлган мамлакатлар қаторидан муқим жой олиб келаётир. Яъни юртимиз ушбу ташкилот доирасида давлатлар ўртасидаги савдо режими ёмонлашиб кетмаслиги тамойили асосида эркин савдо ҳудудини шакллантиришни ёқлайди. Боиси, бу МДҲ ҳудудида барқарор ижтимоий-иқтисодий ривожланиш таъминланишининг муҳим шарти бўлиб хизмат қилади. Шу маънода, республикамиз 2013 йил 31 майда Санкт-Петербург шаҳрида имзоланган эркин савдо ҳудуди тўғрисидаги янги Шартномани ратификациялади. Россия, Беларусь, Қозоғистон, Молдова ҳамда Украина ҳам уни қабул қилди.

*1995 йилда мамлакатимиз Осиё тараққиёт банки аъзоси бўлгач, ўтган давр мобайнида умумий қиймати **12,5** миллиард долларга тенг **50** дан зиёд лойиҳалар рўёбга чиқарилди.*

Шубҳасиз, ташқи иқтисодий алоқаларда 2001 йил 15 июнда Ўзбекистон, Қозоғистон, Қирғизистон, Россия, Хитой ва Тожикистон раҳбарлари томонидан Шанхай ҳамкорлик ташкилоти (ШҲТ)ни тузиш тўғрисидаги Декларация имзолангани муҳим босқич бўлди. Мазкур тузилма ўтган даврда минтақамизда барқарорлик ҳамда хавфсизликни мустаҳкамлаш, иқтисодий алоқаларни ривожлантириш бўйича кўп томонлама ҳамкорлик механизми, очиқ ва конструктив мулоқот майдони, шунингдек, турли йўналишларда шерикликни ривожлантиришнинг самарали воситаси эканлигини ёрқин намоён этди. Айниқса, бу жиҳат мамлакатимиз ташаббуслари асосида сифат жиҳатидан янги босқичга кўтарилгани барчамизга ғурур бағишлайди. Ўзбекистоннинг бу борадаги ютуқларига Тошкент шаҳри мезбонлик қилган ШҲТ ўн бешинчи саммитининг иштирокчилари юксак баҳо бергани ҳам бунинг яққол исботидир.

Жумладан, Шанхай ҳамкорлик ташкилоти доирасида иқтисодиёт соҳасида самарали муносабатлар олиб борилмоқда. Бу йўлда ташқи савдо ва иқтисодий фаолиятга масъул бўлган ШҲТга аъзо давлатлар вазирларининг йиғилиши, Ишбилармонлар кенгаши ҳамда Банклараро бирлашма каби механизмлар фаолият юритмоқда. ШҲТ асосчиларидан бири ҳисобланган республикамиз бошқа аъзо давлатлар билан тенг ҳолда ташкилот доирасидаги ҳамкорлик стратегиясини белгилаб, минтақавий барқарорликни қўллаб-қувватлаш, иқтисодий ва инвестициявий ҳамкорликни ривожлантириш каби йўналишларда саъй-ҳаракатларни жамлашни муҳим деб ҳисоблайди.

Жорий йил 24 июнда ШҲТнинг Тошкентдаги саммитида савдо-иқтисодий, инвестициявий ҳамда транспорт-коммуникация соҳаларидаги ҳамкорлик истиқболларини назарда тутувчи Тошкент декларацияси имзолангани ана шу интилишларда янги уфқларни очиши муқаррар.

Юртимизнинг инвестициявий салоҳиятини ошириш, ишлаб чиқариш ва молия бозорини модернизация қилишда Осиё тараққиёт банки (ОТБ) ҳамда Ислом тараққиёт банки (ИТБ) каби халқаро молиявий ташкилотлар билан йўлга қўйилган изчил алоқалар ҳам ўзига хос роль ўйнамоқда. Чунончи, 1995 йил август ойида республикамиз ОТБ аъзосига айланган бўлса, 1997 йили юртимизда унинг ваколатхонаси очилди. Эътиборлиси, мамлакатимиз ушбу банкнинг минтақавий аъзолари орасида 15-ўриндаги йирик акциядори ҳисобланади. Ўтган даврда умумий қиймати 12,5 миллиард долларлик элликдан зиёд лойиҳалар рўёбга чиқарилди. Бунда таълим, соғлиқни сақлаш, ирригация, сув таъминоти ва санитария, қишлоқ жойларда уй-жой қурилиши, энергетика, йўл-транспорт инфратузилмаси, молиявий секторни ривожлантириш каби масалалар қамраб олинди.

Ўзаро алоқаларда муқобил энергия манбаларини ривожлантириш муҳим янги йўналишдир. 2013 йил 20 — 23 ноябрь кунлари пойтахтимизда ОТБ билан биргаликда “Қуёш энергияси технологиялари тенденциялари ва истиқболлари” мавзуидаги Осиё қуёш энергияси форумининг 6-йиғилиши ўтказилди. Осиё тараққиёт банки, Ислом тараққиёт банки ҳамда бошқа нуфузли халқаро ташкилотлар раҳбарлари, қитъамиз мамлакатлари, шунингдек, Европа, Шимолий ва Жанубий Америкадан қуёш энергияси соҳаси бўйича мутахассислар, экспертлар, ускуна ишлаб чиқарувчи компаниялар ҳамда илмий-тадқиқот марказларидан қарийб 300 нафар вакил қатнашган мазкур йирик анжуманда диёримизнинг соҳадаги салоҳияти эътироф этилиб, ўзаро ҳамкорликнинг янги босқичлари белгилаб олинди. Икки йил олдин ОТБ томонидан Ўзбекистонда электр энергиясига нисбатан ўсиб бораётган талабни қондириш мақсадида бу борадаги таъминотни ривожлантиришни қўллаб-қувватлаш учун 300 миллион доллар миқдорида кредит ажратилгани ана шу саъй-ҳаракатларга янги қанот бағишлади.

2003 йилдан эса Ислом тараққиёт банки билан иқтисодиётнинг стратегик тармоқларига тегишли йирик инфратузилма ва ижтимоий аҳамиятга эга бўлган лойиҳаларни молиялаштириш бўйича ҳамкорлик қилиб келинмоқда. Ҳозирги кунга қадар қиймати 429 миллион доллардан ортиқ 14 та лойиҳа якунлангани, қарийб 1 миллиард долларлик лойиҳаларни амалга ошириш кўзда тутилаётгани ўзаро алоқалар самарасидир.

Умуман олганда, халқаро иқтисодий ташкилотлар билан ҳамкорликни янада кенгайтириш Ўзбекистоннинг жаҳон ҳамжамиятидаги нуфузини мустаҳкамлаш ҳамда илғор демократик давлатлар қаторида муносиб ўрин эгаллашига замин яратади.

Ўзбекистон Республикасининг суверен давлат сифатида очиқ бозор иқтисодиётини шакллантириш борасидаги фаол ишлари эса мамлакатимизнинг жаҳон иқтисодий ҳамжамиятига интеграциялашувига асос бўлиб хизмат қилади.

**Рустам НАЗАРОВ,**
**Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазирлиги бош бошқармаси бошлиғи ўринбосари.**

## ЭЪТИРОФ

**Хуан МИРАНДА,**
**Осиё тараққиёт банки бош директори:**

— Ўзбекистон — инвестиция киритиш учун қулай мамлакат. Қабул қилинган Инвестиция дастурлари пухталиги, бизнес юритишнинг қулайлиги, энг муҳими, инвесторлар учун ҳамма соҳа очиқлиги ҳар қандай лойиҳанинг муваффақиятини кафолатлайди. Кейинги йилларда иқтисодиётда барқарор ўсиш суръатлари таъминланиб, замонавий саноат тармоқларига асос солинаяпти. Бунда солиқ юкининг пасайтирилаётгани ва банк тизими самарали ишлаётгани муҳим омил бўлмоқда.

Осиё тараққиёт банки ҳам ижтимоий-иқтисодий соҳаларни ривожлантиришда фаол иштирок этиб, ўз кредит линияларини йўналтираётир. Шу асосда ўзаро ҳамкорлик изчил равнақ топаяпти.

**Сирил МЮЛЛЕР,**
**Жаҳон банки вице-президенти:**

— Ўзбекистон ёш, иқтисодий ва инвестициявий имкониятлари эса ниҳоятда катта давлатдир. Юртингизда сармоялар тўғри йўналтирилаётгани туфайли турли соҳалар, айниқса, саноат тармоқлари ҳамда хизмат кўрсатиш жабҳаси тараққий этиб бормоқда. Натижада одамларнинг турмуш шароити яхшиланиб, ҳаёт даражаси юксалаётир.

Инвестициялар фақат йирик ишлаб чиқариш объектларини барпо қилиш мақсадлари учунгина киритилмаётгани эътиборга моликдир. Негаки, соғлиқни сақлаш, таълим тизими, коммунал соҳа ривожи учун ҳар йили катта миқдорда инвестиция сарфланаяпти. Бу ҳар томонлама таҳсинга сазовор.

ЭЪЛОНЛАР

«KO‘P TARMOQLI KO‘CHMAS MULK SAVDO» МЧЖ
бошланғич баҳоси босқичма-босқич ошиб бориш тартибида ўтказиладиган очиқ аукцион савдосига таклиф этади.

Аукцион савдосига қуйидаги кўчмас мулклар такроран қўйилмоқда:

* Тошкент шаҳар Яшнобод тумани СИБ томонидан ЖИБ Тошкент шаҳар судининг 2015 йил 16 октябрдаги 2-289/15-сонли ижро варақасига асосан хатланган, Тошкент шаҳри, Яшнобод тумани, Авиасозлар кўчаси, 44-уйда жойлашган, умумий ер майдони 600,0 кв. м., фойдаланиш майдони 446,46 кв. м. бўлган, 2 қаватли, 9 хонадан иборат тураржой (ҳовли).

*Бошланғич баҳоси — 1 266 089 082 сўм.*

* Тошкент шаҳар Бектемир тумани СИБ томонидан ЖИБ Мирзо Улуғбек тумани судининг 2013 йил 26 февралдаги 1-13-13-сонли ижро варақасига асосан хатланган, Тошкент шаҳри, Бектемир тумани, Ҳусайн Бойқаро 1-тор кўчаси, 2-«А» уйда жойлашган, умумий ер майдони 895,0 кв. м., қурилиш ости майдони 461,49 кв. м., биноларнинг умумий фойдаланиш майдони 370,0 кв. м., яшаш майдони 122,0 кв. м.дан иборат бўлган тураржой (ҳовли).

*Бошланғич баҳоси — 233 062 691 сўм.*

Аукцион савдоси 2016 йил 4 август куни соат 11.00 да Тошкент шаҳри, Олмазор тумани, Беруний кўчаси, 83-уй, 311-хонада бўлиб ўтади.

Талабгорлар мулк бошланғич баҳосининг 10 фоизидан кам бўлмаган миқдордаги закалат пулини «Ko‘p tarmoqli ko‘chmas mulk savdo» МЧЖнинг АТИБ «Ипотека-банк» Шайхонтоҳур филиалидаги қуйидаги ҳисоб рақамига тўлашлари шарт: 20208000104931635001, МФО: 00425, СТИР: 207128747, ОКОНХ: 83400.

Мазкур кўчмас мулклар билан тегишли туман СИБ вакили иштирокида бевосита жойига чиқиб танишиш мумкин. Аукцион савдоларида қатнашиш истагидаги талабгорлардан ариза ва бошқа ҳужжатлар иш кунлари соат 9.30 дан 17.00 гача қабул қилинади ҳамда аукцион савдоси ўтказилишига бир иш куни қолганда соат 17.00 да тўхтатилади.

Манзил: Тошкент шаҳри, Олмазор тумани, Беруний кўчаси, 83-уй, 311-хона.
Телефонлар: (0-371) 249-54-59, 249-53-61.

Хизматлар лицензияланган.

1054А/310

«AUTO TRADE COOPERATION» МЧЖ
очиқ аукцион савдоларига таклиф этади.

**2016 йил 17 август куни соат 11.00 да бўлиб ўтадиган аукцион савдосига АТ «Туронбанк» балансидаги қуйидаги автотранспорт воситалари қўйилмоқда:**

**1.** 2013 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақами 01/017 ХСА бўлган «Каптива-3» русумли автомашина.

*Бошланғич баҳоси — 117 200 000 сўм.*

**2.** 2008 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақами 01/505 РСА бўлган «Мазда-6» русумли автомашина.

*Бошланғич баҳоси — 63 885 000 сўм.*

**3.** 2008 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақами 01/020 МСА бўлган «Мазда-6» русумли автомашина.

*Бошланғич баҳоси — 63 885 000 сўм.*

Аукцион савдосида иштирок этиш истагидаги талабгорлар закалат пули тўғрисидаги келишувни имзолаганидан сўнг мулк бошланғич баҳосининг 15 (ўн беш) фоизи миқдоридаги закалат пулини тўлашлари керак.

Аукцион ғолиби томонидан мулкни сотиб олиш баҳосидан ташқари, савдо ташкилотчисига сотув нархининг 2 фоизи миқдорида комиссион йиғим тўланади. Аукцион савдолари «Auto trade cooperation» МЧЖнинг савдолар залида бўлиб ўтади. Мазкур мулклар сотилмай қолган тақдирда, такрорий аукцион савдолари 2016 йил 24, 31 август кунлари ва ҳар ҳафтанинг чоршанба кунлари юқорида кўрсатиб ўтилган соатларда ўтказилади. Аукцион ғолиблари савдо ўтган санадан бошлаб 20 (йигирма) кун ичида сотувчи билан олди-сотди шартномасини тузади. Талабгорлардан аризалар иш кунлари соат 10.00 дан 16.00 гача қабул қилинади ҳамда аукцион савдоси бошланишидан бир кун олдин соат 11.00 да тўхтатилади. Талабгорлар закалат пулини «Auto trade cooperation» МЧЖнинг АТБ «InfinBANK»даги МФО: 01041, СТИР: 302477464, 20208000505015685001 ҳисоб рақамига тўлашлари ва ариза билан бирга, қуйидаги ҳужжатларни топширишлари керак: жисмоний (юридик) шахсни тасдиқловчи ҳуқуқий ҳужжатлар ҳамда закалат пули тўланганлиги ҳақида тўлов ҳужжати, ваколатли вакил қатнашганда — ўрнатилган тартибда расмийлаштирилган ишончнома.

Қўшимча хизматлар кўрсатиш учун тўлов олинади.

Манзил: Тошкент ш., Амир Темур 1-тор к., 6-уй. Тел.: (+99895) 193-74-96. E-mail: info@auksion.uz
Гувоҳнома № 005148.

1026А/471

Халқ сўзи
Народное слово

МУАССИСЛАР:
Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Кенгаши, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Кенгаши ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси

Бош муҳаррир Ўткир РАҲМАТОВ

2008 йил 15 январда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 0001-рақам билан рўйхатга олинган. Нашр индекси — 229. Буюртма Г — 767. 75 805 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2. Баҳоси келишилган нархда.

Газетамиз ҳақидаги маълумотларни юклаб олиш учун QR-кодини телефонингиз орқали сканер қилинг.

ТЕЛЕФОНЛАР:
Девонхона (0-371) 233-52-55;
Котибият (0-371) 233-10-28; Эълонлар (0-371) 232-11-15.

ISSN 2010-8788

Таҳририятга келган қўлёзмалар тақриз қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди.
Реклама материаллари учун таҳририят жавобгар эмас.

Газета таҳририят компьютер марказида терилди ҳамда оператор Ж. Тоғаев томонидан саҳифаланди.

Газетанинг полиграфик жиҳатдан сифатли чоп этилишига “Шарқ” нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси масъул. Босмахона телефони: (0-371) 233-11-07.

МАНЗИЛИМИЗ:
100000,
Тошкент шаҳри,
Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.

Навбатчи муҳаррир — С. Раҳмонов.
Навбатчи — М. Холматова.
Мусаҳҳиҳ — С. Исломов.

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41. ЎзА якуни — 21.40 Топширилди — 23.55 1 2 3 4 5 6